

**ҚОРАКЎЛЧИЛИК ВА ЧЎЛ ЭКОЛОГИЯСИ ИLMИЙ-ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИLMИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ
PhD.05/30.12.2019. Qx.75.01. РАҚАМЛИ ИLMИЙ КЕНГАШ**

**ҚОРАКЎЛЧИЛИК ВА ЧЎЛ ЭКОЛОГИЯСИ ИLMИЙ-ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ**

НАЗАРОВА МОХИРА АЗАМАТОВНА

**ҚИЗИЛҚУМ ШАРОИТИДА ЯССИ ГУЛЛИ СУР РАНГЛИ
ҚОРАКЎЛ ҚЎЙЛАРИНИ УРЧИТИШ ВА СЕЛЕКЦИЯЛАШ
ХУСУСИЯТЛАРИ**

**06.02.01 – Қишлоқ хўжалик ҳайвонларини урчитиш, кўпайтириш, селекцияси ва
генетикаси**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

САМАРҚАНД – 2020

**Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
сельскохозяйственным наукам**

**Contens of dissertation abstract of philosophy (PhD) on
agricultural sciences**

Назарова Моҳира Азаматовна

Қизилқум шароитида ясси гулли сур рангли қоракўл қўйларини урчитиш
ва селекциялаш хусусиятлари..... 3

Назарова Моҳира Азаматовна

Особенности разведения и селекции каракульских овец окраски сур
плоского завиткового типа в условиях Кызылкумов..... 19

Nazarova Mokhira Azamatovna

Features of breeding and selection of Karakul sheep of the color of the sur
polish curl type in the conditions of Kyzyl-kum desert..... 35

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published work..... 38

**ҚОРАКЎЛЧИЛИК ВА ЧЎЛ ЭКОЛОГИЯСИ ИLMИЙ-ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИLMИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ
PhD.05/30.12.2019. Qx.75.01. РАҚАМЛИ ИLMИЙ КЕНГАШ**

**ҚОРАКЎЛЧИЛИК ВА ЧЎЛ ЭКОЛОГИЯСИ ИLMИЙ-ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ**

НАЗАРОВА МОХИРА АЗАМАТОВНА

**ҚИЗИЛҚУМ ШАРОИТИДА ЯССИ ГУЛЛИ СУР РАНГЛИ
ҚОРАКЎЛ ҚЎЙЛАРИНИ УРЧИТИШ ВА СЕЛЕКЦИЯЛАШ
ХУСУСИЯТЛАРИ**

**06.02.01 – Қишлоқ хўжалик ҳайвонларини урчитиш, кўпайтириш, селекцияси ва
генетикаси**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

САМАРҚАНД – 2020

Кишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.3.PhD/Qx62 рақами билан рўйхатга олинган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси Қорақўлчилик ва чўл экологияси илмий тадқиқот институтида бажарилган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.uzkarakul.uz) ва «ZiyoNet» ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Юсупов Суратбек Юнусович

кишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Соатов Ўткир Ражабович

кишлоқ хўжалиги фанлари доктори, доцент

Иноятов Алимбай

кишлоқ хўжалиги фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Ипакчилик илмий-тадқиқот институти

Диссертация химояси Қорақўлчилик ва чўл экологияси илмий-тадқиқот институти ҳузуридаги фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини берувчи PhD05/12.2019.Qx.75.01 рақамли илмий кенгашнинг 2020 йил «29» 12 соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 140154, Самарқанд, Мирзо Улугбек кўчаси, 47 уй. Қорақўлчилик ва чўл экологияси илмий-тадқиқот институти мажлислар зали, 2-қават, тел: (99866) 233-32-79; факс: (99866) 233-34-81; e-mail: uzkarakul30@mail.ru).

Диссертация билан Қорақўлчилик ва чўл экологияси илмий-тадқиқот институтининг ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (183 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 140154, Самарқанд, Мирзо Улугбек кўчаси, 47-уй, институт маъмурий биноси, 1-қават. Тел: (99866) 233-32-79; факс: (99866) 233-34-81.

Диссертация автореферати 2020 йил «22» 12 куни тарқатилди.
(2020 йил «22» 12 даги 10 рақамли реестр баённомаси)



 **Н.А.Бобокулов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
к-х.ф.д., профессор



Б.С.Маматов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий
котиби, к-х.ф.д. (PhD)



Д.Холмирзаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
кошидаги илмий семинар раиси ўринбосари,
к-х.ф.д., профессор

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Қоракўл кўй зоти дунёнинг 40 дан ортиқ мамлакатларда урчитилади. Ушбу мамлакатлар қаторида Ўзбекистон, Жанубий Африка Республикаси, Намибия, Афғонистон давлатлари қоракўлчилик энг юқори даражада ривожланган давлатлар ҳисобланади. Дунёда қоракўл кўйларини урчитиш, уларни кўпайтириш, ирсий ва маҳсулдорлик хусусиятларини такомиллаштириш бўйича изланишлар олиб борилмоқда. Бу борада йирик чорвачилик марказларида турли маҳсулдорлик йўналишларидаги қоракўл кўйларининг фойдали хўжалик белгилари, биологик, маҳсулдорилик, урчитиш хусусиятларини аниқлаш; ирсий имкониятларидан фойдаланиб, гўшт, жун маҳсулдорлигини оширишнинг илмий асосланган усулларини ишлаб чиқиш ва такомиллашни тақазо этмоқда.

Қоракўлчилик соҳаси ҳамдўстлик мамлакатларида ҳам сезиларли даражада ривожланган. Айниқса Қозоғистон, Туркманистон ва Тожикистон давлатларида ушбу соҳани ривожлантирилган ва олиб борилган ташкилий, селекция ҳамда илмий-тадқиқот ишлари натижасида сезиларли ютуқларга эришилган. Қозоғистонда турли рангдаги қоракўл кўйларининг 15 дан ортиқ, Туркманистонда 5 та, Тожикистонда 3 та юқори маҳсулдор завод типлари яратилган. Шу билан бирга қоракўл кўйлари Россия, Украина ва Молдавияда урчитилади ва улар ўзига хос маҳсулдорлик хусусиятлари билан фарқланади.

Ўзбекистонда миллий ифтихоримиздан бири бўлган ва жаҳонда тенги йўқ қоракўл кўй зотининг келиб чиқиш тарихи ва келгусида ривожлантирилиб борилиши қизилқум чўли билан боғлиқ. Ушбу зот ҳозирги кунда турли қимматли ранглар билан бойитилган. Улар орасида сур ранги ўзининг жун қоламининг учки қисмининг очроқ бўлиши билан ажралиб туради ва сур қоракўл териларнинг рангбаранглигини, хилма-хиллигини таъминлайди. Сур териларнинг бундай хусусияти уларнинг юқори нархда сотилиши ва кенг истеъмол талабини белгилайди. Охириги йилларда бозор конъюнктурасининг қоракўл маҳсулоти ассортиментига бўлган талабининг ўзгариши, ясси ва қовурғасимон гуруҳларидаги қоракўл терилари ишлаб чиқариш ҳажмларини кўпайтиришни талаб этмоқда. Шу билан бирга таъкидлаш жоизки, етиштирилаётган бундай қоракўл терилари нафақат сифатий, балким миқдорий жиҳатдан ҳам бозор, айниқса ташқи бозор талабини қондира олмаяпти, ушбу типлардаги қоракўл кўйларининг юқори маҳсулдор генотиплари Республика миқёсида етарли эмас, уларни кўпайтириш долзарб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасини 2017-2021 йилларда ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича “Ҳаракатлар стратегияси”¹ да “қишлоқ хўжалигини 2030 йилгача қишлоқ хўжалигини изчил ривожлантириш, озиқ-овқат хавфсизлигини мустаҳкамлаш, чорвачиликни юқори суръатлар билан ривожлантириш, аҳолининг чорвачилик маҳсулотларига бўлган талабини

¹ Ўзбекистон республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги ПФ-4947-сонли Фармони

қондириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган ва уларни ҳал этиш йўллари белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 мартдаги “Чорвачиликда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги ПҚ-2841-сонли, 2018 йил 14 мартдаги “Қоракўлчилик соҳасини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПҚ-3603-сонли, 2019 йил 16 августдаги ПҚ-4220-сонли қарорлари ва мазкур фаолиятга тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларида белгиланган вазибаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг V-«Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ясси типли сур қоракўл қўйларининг наслий, ирсий ва маҳсулдорлик хусусиятларини ўрганиш йўналишидаги тадқиқотлар етарли даражада эмас. Умуман бошқа ранглар бўйича ҳам ясси типли қўйларнинг хусусиятлари кам ўрганилган.

Бундай тадқиқотлар қора рангли қўйларда М.А.Кошевой, Р.Г.Валиев, Б.Л.Исаянц, А.Газиёв, сур рангли қўйларда Ф.Ш.Маматқазин, Н.Хидиров, С.Ю.Юсупов, Ў.Кукеновлар томонидан олиб борилган ва бу тадқиқотларда қўйларнинг маҳсулдорлик хусусиятлари тавсифланган.

Таъкидлаш лозимки, ясси типли қўйларни селекциялаш ва урчитиш хусусиятлари ва ушбу шароитда улар ирсият ва маҳсулдорлиги бўйича тадқиқотлар кам бажарилган. Шу нуқтаи назардан диссертация доирасида бажарилган тадқиқотлари муҳим муаммога бағишланган ва ҳозирги кунда долзарб деб ҳисобланади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилаётган илмий-тадқиқот муасасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Қоракўлчилик ва чўл экологияси илмий-тадқиқот институтининг ҚХА-8-051 «Иқлим ўзгариши, ишлаб чиқаришни модернизациялаш шароитида чўл яйлов ҳайвонларини селекциясининг экологик-биологик жиҳатларига асосланган самарали усулларни ишлаб чиқиш» (2012-2014 йй.) мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқот мақсади: қумли чўл шароитида сур рангли ясси типли қўйларни гул типли бўйича гомоген (ясси х ясси) ва гетероген (ясси х бошқа типлар) жуфтлашдан олинган авлодларнинг маҳсулдорлик хусусиятларини ўрганиш асосида уларни урчитиш ва селекциялаш усулларни такомиллаштириш, қўйлардан олинган барра териларининг экспортбоплик хусусиятларини ошириш, соҳа самарадорлигини кўтаришга қаратилган тавсиялар ишлаб чиқиш тадқиқот мақсади ҳисобланади.

Тадқиқотнинг вазифалари:

кўзиларнинг рангбаранглиги, уларни тери сатҳи бўйича текислиги ва ифодаланиши хусусиятларини аниқлаш;

гулларнинг намоён бўлиш (гуллар хили, типи, ўлчамлари ва бошқалар) хусусиятларини аниқлаш;

қорақўл териларининг ўлчамли кўрсаткичлари ва жун қоплами сифатини ўрганиш (тери мағзининг қалинлиги, зичлиги, жун қопламининг ипаксимонлиги, ялтироқлиги ва узунлиги)ни белгилаш;

кўзиларнинг гул типи, синфига териларнинг сифатига (навига) баҳо бериш;

олинган авлодларнинг ўсиш ва ривожланиш хусусиятларини аниқлаш;

қўмли чўл шароитида сур рангли кўйларни урчитишнинг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш.

Тадқиқот объекти насли сур рангли қорақўл кўйлари, қўчқорлари, кўзилар ва терилари.

Тадқиқотнинг предмети Қизилқум шароитида ясси гулли сур рангли кўйларни урчитиш ва селекциялаш хусусиятларини ўрганиш.

Тадқиқот усуллари: Тажриба учун ажратилган кўйларни урчитиш «соф зотли урчитиш» усулида амалга оширилиб, олинган авлодларнинг муҳим селекцион белгилари («Қорақўлчиликда наслчилик ишларини юритиш ва кўзиларни баҳолаш (бонитировка қилиш» С.Ю.Юсупов ва бошқалар, 2015) қўлланмаси бўйича амалга оширилган.

Рангбаранглик, рангнинг ифодаланиши, ўтиш кескинлиги, текислиги, пигментланиш даражаси, гул ва жун-тола сифати кўрсаткичлари органолептик усулда (қўлланма асосида), тирик вазн кўрсаткичлари 100 гр аниқликда медицина тарозиси ёрдамида, конституция типлари умум қабул қилинган услубларда (С.Ю.Юсупов 2005) аниқланган.

Олинган маълумотларга вариацион статистика усулларида (Г.Ф.Лакин, 1968, Н.А.Плохинский, 1969) биометрик ишлов берилиб, ўртача арифметик (X), унинг хатоси (S_x), ўзгарувчанлик коэффициенти (C_v), ишончлилик критерийлари (t_d) ва бўсағалари (P) каби статистик кўрсаткичлар аниқланган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги:

илк бор қизилқум шароитида «Сарибел» завод типига мансуб сур рангли ясси типли қорақўл кўйларини гул типи бўйича гомоген ва гетероген жуфтлашдан олинган авлодларни селекцион белгиларининг намоён бўлиши бўйича комплекс баҳолаш йўналишида тадқиқотлар бажарилиб, уларнинг устунлик томонлари аниқланди;

олиб борилган тадқиқотларда олинган натижалар асосида ясси типли сур рангли қорақўл кўйларини самарали танлаш ва ундан фойдаланиш йўллари белгилаб берилган;

сур рангли ясси типли қўчқорлардан бошқа типли кўйларда жуфтлашда фойдаланишда унинг устунлик ва яхшиланиши лозим бўлган хусусиятлари аниқланган.

сур рангли қорақўл кўйларининг маҳсулдорлик сифатларини такомиллаштиришнинг энг мақбул урчитиш тизимлари аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Қизилқум шароитида ясси типидagi қўйлардан олинган сур рангли қўзилар хусусиятлари қиёслаб ўрганилган;

авлодларининг маҳсулдорлик хусусиятлари аниқланган ва шу асосда уларни самарали селекциялаш усуллари ишлаб чиқилган;

қоракўл қўйларининг маҳсулдорлик сифатларини такомиллаштиришнинг энг мақбул урчитиш йўллари аниқланган;

сур қоракўл қўйларининг селекцияси услубларини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Диссертация тадқиқоти натижаларининг ишончлилиги уни бажаришда илғор селекция усулларида фойдаланилганлиги, Қоракўлчилик ва чўл экологияси илмий-тадқиқот институти, Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат таъминоти илмий-ишлаб чиқариш маркази апробация комиссияси томонидан ижобий баҳоланганлиги, маълумотларга вариацион статистика усулларида ишлов берилганлиги, ишончлилик критерийларининг аниқланганлиги, жорий этилиши далолатномалар билан асосланганлиги, тадқиқот натижаларининг ишончлилигини кўрсатади.

Тадқиқот натижаларининг илмий-амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, илк бор Қизилқум шароитида Бухоро зот типидagi ясси типли сур рангли қўйларнинг наслий ва маҳсулдорлик хусусиятларини ўрганиш асосида уларни урчитиш ва селекциялашнинг мақбул йўллари ишлаб чиқилган ва улар синовдан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган усулларнинг амалиётда қўлланилиши асосида қўйлар наслининг ва маҳсулот сифатининг яхшиланишига эришилган, сур қоракўл қўйларини селекциялаш услуби ва сур қўчқорларнинг наслий қимматлилигини баҳолаш тизимини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Сур рангли яссигул типидagi қоракўл қўйларини урчитиш ва селекциялаш хусусиятларини ўрганиш йўналишида олиб борилган тадқиқотлар натижалари асосида:

қўзиларнинг рангбаранглиги ва ранг текислиги хусусиятларини баҳолаш ва улардан фойдаланиш усули Навоий вилояти Конимех тумани «Янгиказган-нурли-диёр» МЧЖ да жорий этилган (Пиллачилик ва қоракўлчиликни ривожлантириш қўмитасининг 2020 йил 12 ноябрдаги №1-2/88-сонли маълумотномаси). Натижада 1 дона қоракўл терисининг сотиш баҳоси 10,8 минг сўмга ошган, рентабеллик даражаси 65,9 фоизни ташкил этган;

қўзиларда гулларнинг намоён бўлишини яхшилаш усули Навоий вилояти Конимех тумани «Сарибел-сур-қоракўл» МЧЖ да жорий этилган (Пиллачилик ва қоракўлчиликни ривожлантириш қўмитасининг 2020 йил 12 ноябрдаги №1-2/88-сонли маълумотномаси). Натижада 1 дона қоракўл терисининг сотиш баҳоси селекциялашдагига нисбатан 9,7 минг сўмга юқори бўлиб, рентабеллик даражаси 59,8 фоизни ташкил этган;

кўзилар терисида ранг ифодаланишини яхшилаш усули Навоий вилояти Конимех тумани «Елтай-кумуш сур-маскани» МЧЖ да жорий этилган (Пиллачилик ва қоракўлчиликни ривожлантириш қўмитасининг 2020 йил 12 ноябрдаги №1-2/88-сонли маълумотномаси). Натижада 1 дона қоракўл терисининг сотиш баҳосининг 9,4 минг сўмга ортиши ҳисобига рентабеллик даражаси 58,7 фоизни ташкил этган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари Навоий вилояти, Конимех тумани «Сарибел» МЧЖ нинг ишлаб чиқариш йиғилишларида (2014-2017 йиллар), Ўзбекистон кишлоқ хўжалиги илмий-ишлаб чиқариш маркази апробация комиссиясида (2013-2015 йиллар) Қоракўлчилик ва чўл экологияси илмий-тадқиқот институти илмий кенгаш йиғилишларида (2013-2018 йиллар) ҳамда 2 та халқаро ва 2 та Республика илмий-амалий конференцияларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Тадқиқот мавзуси бўйича жами 7 та, шу жумладан халқаро ва республика илмий – амалий конференция материаллари тўпламида 4 та, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестацияси комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 3 та, шундан 1 таси ҳорижий нашрларда, илмий мақолалар чоп этилган.

Диссертация ишининг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хусусий тадқиқот натижалари, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетдан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида бажарилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, унинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари тараққиётининг устивор йўналишларига мувофиқлиги баён этилган, таққотнинг илмий янгилиги ва амалий аҳамияти, олинган натижаларни амалиётга жорий этиш, нашр этилган ишлар, диссертация ишининг тузилиши ва ҳажми ҳақида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Адабиётлар шарҳи**» деб номланган биринчи бобида турли урчитиш усулларини қўллашда рангнинг наслдан – наслга берилиш қонуниятлари, уларнинг бир-бирига нисбатан рецессивлик, доминантлик қилиш, ўзаро комбинациялашув хусусиятлари, гул ва жун-тола сифати кўрсаткичларининг намоён бўлиш даражаларига сур рангли кўйларни гомоген, гетероген жуфтлаш, сур, кўк ва қора рангли кўйларда гул хусусиятларининг намоёнлигини белгиловчи муҳим селекцион белгиларнинг ирсий хусусиятларига оид адабиётлар таҳлил қилиб чиқилган. Ушбу йўналишда тадқиқот ўтказган кўплаб муаллифларнинг маълумотлари умумлаштирилиб, тегишли хулосалар қилинган.

Диссертациянинг «**Тадқиқот ўтказиш манзили, манбаи ва услублари**» деб номланган иккинчи бобида тадқиқот манзили, бажариш шароити, манбаи ва усуллари баён этилган.

Тадқиқотлар 2013-2019 йиллар давомида Навоий вилояти Конимех тумани “Сарибел” наслчилик ширкат хўжалигида (ҳозирги “Янгигозгон нурли диёр” МЧЖ) маъсулияти чекланган жамиятида сур рангли қоракўл қўйларида ўтказилган. Тадқиқотлар давомида қўзиларни баҳолаш, қўзиларнинг гул типлари, шакллари, жойлашиш расми, гул узунлиги, эни, мустаҳкамлиги, ранг ва рангбаранглиги, ранг ифодаланиши, ранг текислиги, жун толаларининг ипаксимонлиги, ялтироқлиги, узунлиги, қўзиларнинг тирик вазни, конституционал хусусиятлари, тери тўқимасининг баъзи селекцион хусусиятлари, қўзиларининг синфи ҳамда териларининг нав ва ассортименти, тадқиқот натижаларини иқтисодий баҳолаш, тажрибада олинган маълумотларга биометрик ишлов беришда қўлланиладиган усул ва услублар баён қилинган.

Диссертациянинг «**Ясси типли қўиларини селекциялаш хусусияти**» деб номланган учинчи бобида гул сифати кўрсаткичлари, жун–тола қопламанинг сифатий ва ўлчами кўрсаткичлари, ранг ва рангбаранглиги, сур қоракўл қўзиларининг конституционал хусусиятлари ва тирик вазни каби кўрсаткичлари баён қилинган.

Тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики (1-жадвал), турли гул типига мансуб қўзилар гулларнинг узунлиги ва кенглиги бўйича маълум фарқланиш ва ўзгарувчанликка эга, гулларнинг узунлиги бўйича олинган маълумотлар кўрсатадики, узун гулли авлодлар чикими бўйича қовурғасимон типли қўзиларнинг юқори (62,5±6,99%) кўрсаткичга эга бўлиб, бу кўрсаткич ясси типли қўзиларда ҳам етарли даражада юқори (57,1±6,23) эканлиги аниқланди. Ярим доира қаламгул типли қўзиларда унинг 52,3±5,97 фоизни ташкил этган.

Бу борада етарли наслий қимматликни кўрсатувчи гулларнинг ўрта узунлигига эга қўзилар салмоғи ясси типиди 28,6±5,59 фоизни, ярим доира қаламгул типиди 33,4±5,64 фоизни, қовурғасимон типиди 27,1±6,84 фоизни ташкил этганлиги аниқланди. Ўсикгул типли қўзилар асосан калта (51,1±7,45%) ва ўрта узунликдаги (48,9±7,45%) гуллар билан характерланиши кузатилди.

1-жадвал

Турли гул типига мансуб қўзиларнинг гул узунлиги ва кенглиги бўйича тақсимланиши

Гул тип	n	Гул узунлиги, % ($\bar{X} \pm S\bar{X}$)			Гул кенглиги, % ($\bar{X} \pm S\bar{X}$)		
		узун	ўрта узун	калта	майда	ўрта	катта
Ясси	63	57,1±6,23	28,6±5,69	14,3±4,41	-	71,4±5,69 ^x	28,6±5,69
Ярим доира қаламгул	70	52,3±5,97	33,4±5,64	14,3±4,18	12,7±3,98	71,4±5,40 ^x	15,9±4,37
Қовурғасимон	48	62,5±6,99	27,1±6,84	10,4±4,41	-	75,0±6,25 ^x	25,0±6,25
Ўсикгул	45	-	48,9±7,45	51,1±7,45	17,8±5,70	46,6±7,44	35,6±7,14

X- P<0,05

Ўрта узунликдаги гуллар бўйича биринчи уч типдаги кўзилар кўрсаткичининг ўсикгул типи кўрсаткичидан статистик ишончли ($P < 0,05$) устунлиги қайд этилди.

Тадқиқотлар давомида ясси типли кўзиларда гулларнинг, мустаҳкамлик даражалари ва жойлашиш расми бошқа типдаги кўзилар кўрсаткичлари билан қиёсий равишда баҳоланди. Маълумотлар 2-жадвалда умумлаштирилган.

2-жадвал

Турли гул типдаги кўзиларда гул мустаҳкамлиги ва жойлашиш расми

Гул тип	n	Гул мустаҳкамлиги, % ($\bar{X} \pm S\bar{X}$)			Гул расми, % ($\bar{X} \pm S\bar{X}$)		
		ўта мустаҳкам	мустаҳкам	бўш	ПТ	ПК	аралаш
Ясси	63	28,6±5,69	52,1±6,29 ^x	19,3±4,97 ^x	54,3±6,28	28,6±5,69	17,1±4,74
Ярим доира қаламгул	70	41,3±5,88	46,0±5,96 ^x	16,7±4,46 ^x	25,4±5,20	57,1±5,92	17,5±4,54
Қовурғасимон	48	47,9±7,21 ^x	39,7±5,77 ^x	12,6±4,70	68,6±6,70	22,5±6,03	8,9±4,11
Ўсикгул	45	-	15,6±5,41	84,4±5,41	-	17,8±5,70	82,2±5,70

X- $P < 0,05$; X- $P < 0,001$

ПТ- параллел тўғри ПК- параллел – концентрик

Ясси типига мансуб кўзилар мустаҳкам гуллар билан характерланади (80,7%). Ушбу кўрсаткич ярим доира қаламгул типда 83,3 фоизни, қовурғасимон типда эса 87,5 фоизни ташкил этиб, уларнинг ўсикгул типи кўрсаткичидан устунлиги статистик жиҳатдан юқори даражада ишончли ($X - P < 0,05$; 0,001). Ўсикгул типи эса асосан бўш гуллар билан (84,4±5,41%) характерланиши кузатилди.

Гулларнинг жойлашиш расми бўйича ясси типли авлодлар асосан параллел-тўғри (54,3±6,28), қисман параллел-концентрик (28,6±5,69%) расм билан характерланади. Бундай ҳолатни қовурғасимон типли кўзиларда ҳам кузатиш мумкин.

3-жадвал

Турли гул типига мансуб кўзиларнинг жун – тола сифати

Гул тип	n	Жун – тола ипаксимонлиги, % ($\bar{X} \pm S\bar{X}$)			Жун тола ялтироқлиги, % ($\bar{X} \pm S\bar{X}$)		
		Кучли	Меъёрли	Етарсиз	Кучли	Меъёрли	Етарсиз
Ясси	63	41,4±6,21 ^x	41,7±6,28	11,5±4,02 ^x	47,1±6,29 ^x	42,8±6,23	9,1±3,62 ^x
Ярим доира қаламгул	70	31,7±5,56 ^x	55,6±5,94	12,7±3,98 ^x	33,3±5,63 ^x	55,6±5,94	11,1±3,75 ^x
Қовурғасимон	48	7,1±5,96 ^x	58,3±7,12	14,6±5,10 ^x	31,5±6,70 ^x	54,2±7,19	14,3±5,05 ^x
Ўсикгул	45	8,9±4,22	53,3±7,44	37,8±7,23	13,3±5,06	46,7±7,44	40,0±7,30

X- $P < 0,05$; X) - $P < 0,001$

Ярим доира қаламгул типига асосан параллел-концентрик (57,1±5,92%), қисман (25,4±5,20 %), параллел-тўғри (25,4±5,20 %), ўсик гул типига эса аралаш гул расми (82,2±5,70 %) хослиги қайд этилди.

3-жадвал маълумотлари жун толаларининг ипаксимонлик ва ялтироқлиги бўйича ясси типли кўзилар кўрсаткичларининг сезиларли юқорилигини кўрсатади. Кучли ва меъёрли ипаксимонлик ҳамда ялтироқликнинг ярим доира қаламгул ва қовурғасимон типлари кўрсаткичлари билан деярли бир ҳиллиги шароитида (85,4-88,5%) ясси типли кўзиларда кучли ипаксимонликка эга кўзилар салмоғининг 9,7-14,3 фоизга, кучли ялтироқликка эга кўзилар салмоғининг 13,8-15,6 фоизга юқорилиги фикрни исботлай оладиган ($P < 0,05; 0,001$) ҳолатда пастлиги аниқланди.

Тадқиқотларда турли гул типларига мансуб қорақўл кўзиларида рангнинг ифодаланиш ва тери сатҳи бўйича текислик кўрсаткичлари ўрганилди.

4-жадвал

Турли гул типигадаги кўзиларда сур рангнинг ифодаланиши ва текислиги, % ($\bar{X} \pm S\bar{X}$)

Гул типи	n	Сур рангнинг ифодаланиши			Сур рангнинг текислиги		
		Аъло	Ўрта	Паст	Аъло	Ўрта	Паст
Ясси	63	63,5±6,06	30,1±5,81	6,4±3,08	49,2±6,30	41,3±6,20	9,5±3,69
Ярим доира қаламгул	70	47,1±5,97	42,9±5,20	10,0±3,59	50,0±5,98	47,1±5,97	2,9±2,00
Қовурғасимон	48	39,6±7,06	54,2±7,90	6,2±3,48	52,0±7,21	47,1±7,20	2,9±2,29
Ўсикгул	45	31,1±6,90	45,5±7,22	24,4±6,40	26,7±6,59	48,9±7,45	24,4±6,40

Сур рангнинг ифодаланишини ўрганиш борасида унинг аъло ифодаланишининг энг юқори даражада намоён бўлиши ясси типли кўзиларда (63,5%), энг паст даражада намоён бўлиши (31,1%) эса ўсикгул типли кўзиларда кузатилди. Бу кўрсаткич бўйича ярим доира қаламгул (47,1%) ва қовурғасимон (39,6%) типли кўзилар кўрсаткичлари оралиқ ҳолатни эгаллаши қайд этилди. Ўсикгул типли кўзиларнинг аксарият қисми ранг ифодаланишининг паст даражаси (24,4%) билан характерланиб, бу кўрсаткичнинг ярим доира қаламгул типига 10,0 фоизи, қовурғасимон типига 6,2 фоизни, ясси типига 6,4 фоизни ташкил этгани аниқланди.

Рангнинг тери сатҳи бўйлаб аъло ва меъёрли текислиги бўйича энг юқори кўрсаткичлар ярим доира қаламгул (97,1%), қовурғасимон (87,5%) ва ясси (90,5%) типли кўзиларда қайд этилди.

Диссертациянинг «**Ясси типли кўйларни урчитиш хусусиятлари**» деб номланган **тўртинчи бобида** кўйларнинг гул, жун-тола қопламининг сифат ва ўлчами, авлодларнинг ранг ва рангбаранглиги, тери тўқимасининг баъзи селекцион хусусиятлари, авлодларнинг конституционал ва тирик вазн кўрсаткичлари, қорақўл кўзиларининг синфи, териларининг нав ва

ассортименти ҳамда тадқиқот натижаларини иқтисодий баҳолаш натижалари баён қилинган.

Қўйларни турли жуфтлаш вариантларида авлодларнинг гул типларига тақсимланиши 5-жадвалда келтирилган.

5-жадвал


Жуфтлаш вариантлари бўйича авлодларнинг гул типларига тақсимланиши

Жуфтлаш варианты	n	Авлодларнинг гул типлари, % ($\bar{X} \pm S\bar{x}$)			
		ясси	Ярим доира қаламгул	Қовурғасимон	Ўсикгул
Ясси х ясси	123	54,2±4,49	17,3±3,41 ^x	21,5±3,70 ^x	7,0±1,89 ^x
Ясси х ярим доира қаламгул	118	43,4±4,56	27,9±4,13 ^x	15,9±3,37 ^x	12,8±3,08 ^x
Ясси х қовурғасимон	87	39,6±5,23	22,1±4,45 ^x	34,5±5,10 ^x	3,8±12,05 ^x
Ясси х ўсикгул	50	32,0±6,0	46,0±4,0	6,0±2,0	16,0±6,0

X-P<0,05; X) - P<0,001

Олинган маълумотлар кўрсатадики (5-жадвал), ясси типли қўчқорлардан фойдаланиб қўйларни урчитиш ишларини олиб бориш авлодларда ушбу типга мансуб қўзилар салмоғини кўпайтиради. Бундай авлодлар чиқими “ясси х ясси” жуфтлаш вариантыда энг юқори бўлиб (54,2±4,49%), қолган вариантларда мутаносиб равишда 43,4±4,56 ва 39,6±5,23 фоизни ташкил этгани аниқланди.

Ярим доира қаламгул ва қовурғасимон типли қўзилар чиқими жуфтлашда қайси типли қўйларнинг иштирок этиши билан боғлиқ ҳолда ўзгаради. Ярим доира қаламгул типли қўйлар қатнашганда ярим доира қаламгул типли (27,9±4,13), қовурғасимон типли қўйлар қатнашганда шу типли (34,5±5,10) қўзилар салмоғининг маълум даражада кўпайиши кузатилади.



1-расм. Авлодларнинг гул узунлиги

Урчитиш жараёнида жуфтланган қўйларнинг гул типига боғлиқ ҳолда ясси типли қўчқорлардан фойдаланиш авлодларда узун гулли қўзилар

салмоғини 41,5-56,3 фоизгача етказиш, калта гулли кўзилар салмоғини 9,2-9,8 фоизгача камайтириш имконини бериши аниқланди, ўрта узунликдаги кўзилар салмоғи эса 34,5-41,1 фоиз даражасида қайд этилди.

6-жадвал

Авлодларда жун толалари ипаксимонлиги ва ялтироқлигининг намоён бўлиши, % ($\bar{X} \pm S\bar{x}$)

Жуфтлаш варианты	n	Жун-тола ипаксимонлиги			Жун-тола ялтироқлиги		
		Кучли	Меъёрли	Етарсиз	Кучли	Меъёрли	Етарсиз
Ясси х ясси	123	42,3±4,45	54,4±4,49	3,3±1,61	43,1±4,46	52,8±4,50	4,1±1,79
Ясси х ярим доира қаламгул	118	34,7±4,38	56,8±4,56	8,5±2,57	37,3±4,45	53,4±4,59	9,3±2,67
Ясси х қовурғасимон	87	21,8±4,43 ^x	66,7±5,05	11,5±3,42 ^x	34,5±5,10	54,2±5,34	11,3±3,42 ^x
Ясси х ўсикгул	50	16,4±2,8	54,9±5,10	28,7±3,3	28,8±4,1	54,8±4,3	16,4±3,1

X-P<0,05; X) – P<0,001


Ясси типли кўйларни урчитиш олинадиган авлодларда жун толалари ипаксимонлик ва ялтироқлик кўрсаткичларининг кескин равишда яхшиланишини таъминлаши кўрсатади. Ушбу типдаги кўйларни гомоген жуфтлашда авлодларнинг (42,3±4,45) фоизи кучли, (54,4±4,49) фоизи меъёрли ипаксимонликка, (43,1±4,46) фоизи кучли, (52,8±4,50) фоизи меъёрли ялтироқликка эга бўлиб, етарсиз ипаксимонлик (3,3±1,61%) ва ялтироқликка (4,1±1,79 %) эга авлодларнинг кескин равишда камайиши кузатилди.

Ясси типли генотиплардан бошқа типли кўйларга жуфтлашда фойдаланиш ҳам олинган авлодлар кўрсаткичларини сезиларли яхшилаши аниқланди. Уларни ярим доира қаламгул типли кўйлар билан жуфтлашда авлодларнинг 91,5 фоизи кучли (34,7±4,38%) ва меъёрли (56,8±4,56%) ипаксимонлик, 90,7 фоизи кучли (37,3±4,45%) ва меъёрли (53,4±4,59 %) ялтироқлик кўрсаткичлари билан характерланиши, қовурғасимон типли кўйлар билан жуфтлашда эса ушбу кўрсаткичларнинг мутаносиб равишда 98,5 ва 88,7 фоизни ташкил этганлиги қайд этилди.

Ясси типли кўйларни гомоген жуфтлаш «ясси х қовурғасимон» вариантыга нисбатан кучли ипаксимонликдаги авлодлар салмоғини статистик ишончли равишда кўпайтириб (P<0,001), етарсиз ипаксимонлик ва ялтироқликдаги жун толаларига эга авлодлар салмоғини камайтиради (P<0,005).

Сур рангининг текислиги ўта муҳим селекцион аҳамиятга эга бўлган белги ҳисобланади. Унинг намоён бўлиши жун толаларининг терининг турли топографик қисмларидаги узунлиги орасидаги фарқи, уларнинг тери сатҳи бўйича бир хил пигментланиши ва депигментланиши, гулларнинг бир хиллиги ва бошқаларга боғлиқлиги аниқланган.

Тўртала жуфтлаш вариантлардан олинган авлодларда ранг текислиги бўйича сезиларли фарқланишлар аниқланмади (2-расм), яъни турли вариантда гул типи бўйича қўйларни жуфтлашда авлодларнинг 44,1-48,2 ва 41,5-43,3 фоизи мақсадга мувофиқ рангнинг кучли ва ўрта даражадаги текислиги билан, 10,3-12,6 фоизи эса етарсиз ранг текислиги билан характерланиши қайд этилди. Буни қўйларни урчитиш ва селекциялаш жараёнида инобатга олиш мақсадга мувофиқ.



2-расм. Авлодларнинг ранг текислиги

Қорақўлчиликда қўзиларнинг тери тўқимаси хусусиятларини ўрганиш муҳим аҳамиятга эга бўлиб, унинг қалинлик-юпқалик, мустаҳкамлик кўрсаткичлари бўйича гуллар ва жун толаларининг сифатини маълум даражада башорат қилиш мумкин.

Мақсадга мувофиқ юпқа тери тўқимаси бўйича авлодлар салмоғи “ясси х ясси” вариантида кузатилиб, $71,5 \pm 4,07$ фоизни ташкил этади (8-жадвал). Бу кўрсаткич “ясси х қовурғасимон” вариантида $61,0 \pm 5,23$ фоизни, “ясси х ярим доира қаламгул” $52,5 \pm 4,60$ ясси х ўсикгул вариантида $32,0 \pm 6,1$ фоизга тенг. Таъкидлаш лозимки, ушбу кўрсаткич бўйича биринчи вариант кўрсаткичининг иккинчи вариант кўрсаткичига нисбатан устунлиги (19,0%) статистик жиҳатдан юқори даражада ($P < 0,001$) эканлиги аниқланди.

8-жадвал

Авлодлар тери тўқимасининг қалинлиги ва мустаҳкамлиги, % ($\bar{X} \pm S\bar{x}$)

Жуфтлаш варианты	n	Авлодлар тери тўқимасининг					
		қалинлиги			мустаҳкамлиги		
		юпқа	қалин-лашган	қалин	ўта мустаҳкам	мустаҳкам	бўш
Ясси х ясси	123	$71,5 \pm 4,07^x$	$17,9 \pm 3,46$	$10,6 \pm 2,78$	$30,9 \pm 4,17$	$56,1 \pm 4,47$	$13,0 \pm 3,09$
Ясси х ярим доира қаламгул	118	$52,5 \pm 4,60$	$32,2 \pm 4,30^x$	$15,3 \pm 3,31$	$38,1 \pm 4,47$	$51,3 \pm 4,60$	$10,66 \pm 2,83$
Ясси х қовурғасимон	87	$61,0 \pm 5,23$	$26,4 \pm 4,73$	$12,6 \pm 3,56$	$46,0 \pm 5,34^x$	$46,0 \pm 5,34$	$8,0 \pm 2,91$
Ясси х ўсикгул	50	$32,0 \pm 6,1$	$48,0 \pm 4,8$	$20,0 \pm 4,1$	$26,0 \pm 4,4$	$48,0 \pm 6,1$	$26,0 \pm 4,4$

X – $P < 0,05$; X) $P < 0,001$

Ҳар тўрта типли жуфтлаш вариантларидан олинган авлодларнинг аксарият қисми мустаҳкам конституцияга (68,2-79,1%) эга эканлигини кўрсатади. Лекин, таъкидлаш лозимки, ясси типли қўйларни гул типли бўйича гомоген жуфтлашда бошқа икки типдаги жуфтлаш вариантларидагига нисбатан мустаҳкам типли конституциядаги авлодлар салмоғининг сезиларли камайиши (мутаносиб равишда 10,4 ва 10,9 фоизга) ҳамда нозик типли авлодлар салмоғининг кўпайиши (мутаносиб равишда 8,3 ва 11,6 фоизгача) кузатиладики, ушбу ҳолатни ясси типли қўйларни урчитишда инобатга олиш керак бўлади.

Тадқиқот натижаларини иқтисодий баҳолаш кўрсатадики (9-жадвал), ясси типли генотиплардан фойдаланиш асосида қўйларни урчитиш етарли даражада самарали ҳисобланади. Улардан фойдаланганда гомоген урчитишда самарадорлик даражаси 67,3 фоизни, ясси қўчқорлар билан ярим доира қаламгул типли қўйларни урчитишда 57,1 фоизни, қовурғасимон ва ўсикгул типли қўйларни урчитишда эса 61,2 ва 42,8 фоизни ташкил этгани юқорида айтилган фикрни тасдиқлайди.

9-жадвал

Тадқиқот натижаларини иқтисодий баҳолаш (2018 йил баҳоларида)

Кўрсаткичлар	Жуфтлаш варианты			
	Ясси х ясси	Ясси х ярим доира қаламгул	Ясси х қовурғасимон	Ясси х ўсикгул
Баҳоланган терилар, дона	45	45	45	25
I-навли терилар, %	91,0	86,5	86,8	80,0
Бир дона қоракўл тери таннархи, сўм	49000,0	49000,0	49000,0	43000
Жами харажат, сўм	2205000,0	2205000,0	2205000,0	1225000,0
Бир дона қоракўл терисини сотиш баҳоси, сўм	82000,0	77000,0	78000,0	70000,0
Жами олинган даромад, сўм	369000,0	3465000,0	3510000,0	1750000
Фойда (+), зарар (-), сўм	1485000,0	+1260000,0	+1305000,0	+525000
Самарадорлик даражаси, %	67,3	57,1	59,1	42,8

Ясси типли қўчқорлардан қўйларни урчитишда фойдаланиш бир дона қоракўл терисини сотиш баҳосининг юқори бўлишини таъминлаб, ушбу кўрсаткичнинг жуфтлаш вариантлари бўйича мутаносиб равишда 82,0; 77,0; 78,0 ва 70,0 минг сўмни ташкил этгани аниқланди.

ХУЛОСАЛАР

Ясси типдаги сур қоракўл қўйларини селекциялаш ва урчитиш хусусиятларини ўрганиш йўналишларидаги тадқиқот натижаларига асосланиб қўйидаги хулосаларни қилиш мумкин:

1. Ясси типдаги қўйлар туғилган пайтида гулларнинг ярим доира қаламгул ва ўсикгул типларига нисбатан узунлиги, қовурғасимон типига

нисбатан бироз калталиги билан характерланади. Гулларнинг эни бўйича ушбу типдаги қўйларга асосан ўрта гуллилик ($71,9 \pm 5,69\%$) билан бир қаторда сезиларли даражадаги йирик гуллилик ($28,6 \pm 5,69\%$) хослиги аниқландики, бу борада селекция ишини ушбу хусусиятни камайтиришга қаратиш лозим.

2. Ясси типи ярим доира, қаламгул ва қовурғасимон типларига қараганда гулларининг бўшроқлиги билан характерланади. Уларнинг ўта мустаҳкам гулли қўзилар салмоғи бўйича ярим доира қаламгул типидан 12,7 фоиз, қовурғасимон типидан 19,3 фоиз ($P < 0,05$) паст кўрсаткичларга эга бўлиши аниқланди.

3. Жун толалари ипаксимонлиги ва ялтироқлиги кўрсаткичлари бўйича ясси типли қўйлар энг қимматли генотип ҳисобланади. Улар жун толаларининг кучли ипаксимонлиги ва ялтироқлиги бўйича ярим доира қаламгул типидан 9,7 ва 13,8 фоиз, қовурғасимон типидан 34,3 ($P < 0,001$) ва 13,6 фоиз, ўсикгул типидан 32,5 ($P < 0,001$) ва 33,8 фоиз устун кўрсаткичлар билан ажралиб туради; буни селекция ишида эътиборга олиш лозим.

4. Бошқа типли қўзиларга нисбатан ясси типли қўзилар гуллар шаклланишининг ўзига хослиги, яъни жун толаси учки оқарган қисмининг аниқ кўриниш ҳосил қилиши ҳисобига рангнинг юқори даражада ($63,5 \pm 6,06\%$) ифодаланиши билан характерланадики бундан бошқа типларда ушбу хусусиятни яхшилашда фойдаланиш мумкин рангнинг текислиги, ўтиш кескинлиги ва жун толаларининг пигментланиш даражаси бўйича типлараро сезиларли фарқланишлар кузатилмади.

5. Ясси типли қўйларнинг туғилганда конституциясининг бошқа типларга нисбатан бироз нозикроқлиги ($17,5 \pm 4,48$), тирик вазнининг ($3,76 \pm 0,05$ кг) пастлиги ($P < 0,001$) ва уларда ушбу хусусиятнинг 1,5 ёшлик вояга етган даврда ҳам ($37,9 \pm 0,38$ кг) сақланиб қолиши ($P < 0,001$) билан характерланиши аниқланди.

6. Ясси типли генотиплардан гомоген жуфтлашда фойдаланиш авлодларда $54,2 \pm 4,49$ фоиз авлодларнинг шу типга хос бўлишини таъминлаш билан бир қаторда гетероген жуфтлашда ҳам 39,6-43,4 фоизгача ясси типли авлодлар олиш 90,8 фоизгача узун ($56,3\%$) ва ўрта узун ($44,1\%$), 79,6 фоизгача ўрта кенгликдаги гулларга эга авлодлар олиш билан бир қаторда йирик гулли авлодлар салмоғининг бироз кўпайиши ($21,8$ фоизгача) ва ўта мустаҳкам гулли авлодлар салмоғининг маълум даражада камайишига ($36,6 \pm 4,34\%$) олиб келади;

7. Ясси типли генотиплардан фойдаланиш олинадиган авлодларда ранг ва рангбаранглик кўрсаткичларининг яхшиланишини, рангнинг ифодаланиш даражасининг сезиларли даражада ошишини таъминлайди. Ушбу ҳолатда рангнинг аъло ($76,5 \pm 5,18\%$) ва ўрта ($17,8 \pm 4,67\%$) ифодаланишига эга авлодлар салмоғи 94,3 фоизгача етади. Авлодларда тери тўқимасининг юпқалашишига сезиларли таъсир кўрсатади. Бунда ясси типли қўйларни гомоген жуфтлаш $71,5 \pm 4,07$ фоизгача юпқа тери авлодлар олишга имкон бериши, шу билан бир қаторда уларда тери тўқимаси мустаҳкамлигининг маълум даражада сусайиши аниқланди.

8. Ясси типли генотибли қўйларни гомоген урчитишдан олинадиган авлодлар гетероген жуфтлашдан олинадиган авлодларга нисбатан конституциясининг маълум даражада нозиклашиши ($18,7 \pm 3,52\%$) ва мустақкам конституцияли қўзилар салмоғининг ($68,2 \pm 4,20\%$) 10,4-10,9 фоизга камайиши, тирик вазнининг туғилганда 0,26-0,27 кг ($P < 0,05$), 1,5 ёшда 2,0-2,3 кг паст ($P < 0,001$) бўлиши билан характерланади.

9. Урчитиш ишларини олиб боришда ясси типли қўчқорлардан гомоген ва гетероген жуфтлашда фойдаланиш юқори элита ва 1- синфли қўзилар салмоғини 68,0-85,4 фоиз даражасига, биринчи навли қоракўл терилар салмоғини 80,0-91,0 фоиз даражасига, ясси гуруҳ терилари салмоғини 57,7 фоиз даражасига етказиш имконини беради.

10. Тадқиқот натижаларини иқтисодий баҳолаш кўрсатадики, ясси типли генотиплардан фойдаланиш самарали ҳисобланади. Улардан гомоген жуфтлашда фойдаланиш самарадорлик даражасини 67,3 фоизга, гетероген жуфтлашда фойдаланиш эса 42,8-61,2 фоизга етказишга имкон беради.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD.05/30.12.2019. Qx.75.01 ПРИ НАУЧНО-
ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКОМ ИНСТИТУТЕ КАРАКУЛЕВОДСТВА И
ЭКОЛОГИИ ПУСТЫНЬ**

**НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКИЙ ИНСТИТУТ
КАРАКУЛЕВОДСТВА И ЭКОЛОГИИ ПУСТЫНЬ**

НАЗАРОВА МОХИРА АЗАМАТОВНА

**ОСОБЕННОСТИ РАЗВЕДЕНИЯ И СЕЛЕКЦИИ КАРАКУЛЬСКИХ
ОВЕЦ ОКРАСКИ СУР ПОЛСКОГО ЗАВИТКОВОГО ТИПА В
УСЛОВИЯХ КЫЗЫЛКУМОВ**

**06.02.01 – Разведение, селекция, генетика и воспроизводство
сельскохозяйственных животных**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННЫМ НАУКАМ**

САМАРКАНД – 2020

Тема диссертации доктора философии (PhD) по сельскохозяйственным наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров республики Узбекистан за номером B2019.3.PhD/Qx62.

Диссертация выполнена в Научно-исследовательском институте каракулеводства и экологии пустынь.

Автореферат на трех языках (узбекский, русский и английский (резюме)) размещен на веб-странице по адресу www.uzkarakul.uz и в информационно-образовательном портале «Ziyonet» (www.ziyonet.uz).

Научный руководитель:	Юсупов Суратбек Юнусович доктор сельскохозяйственных наук, профессор
Официальные оппоненты:	Соатов Уткир Ражабович доктор сельскохозяйственных наук, доцент Иноятов Алимбай кандидат сельскохозяйственных наук, доцент
Ведущая организация:	Научно-исследовательский институт шелководства


Защита диссертации состоится «29» 12 2020 года в 10⁰⁰ часов на заседании Научного совета PhD.05/30.12.2019.Qx.75.01 по присуждению ученой степени доктора философии (PhD) при Научно-исследовательском институте каракулеводства и экологии пустынь (Адрес: 140154, Самарканд, ул. М. Улугбека, 47. Научно-исследовательский институт каракулеводства и экологии пустынь, конференц-зал, 2 этаж, тел: (99866) 233-32-79; факс: (99866) 233-34-81; e-mail: uzkarakul30@mail.ru).


С диссертацией можно ознакомиться в информационно-ресурсном центре Научно-исследовательского института каракулеводства и экологии пустынь (зарегистрировано за номером №183). Адрес: 140154, Самарканд, ул. М.Улугбека, 47. Административное здание института, 1 этаж, тел.: (0366) 233-32-79; факс: (0366) 233-34-81).


Автореферат диссертации разослан «22» 12 2020 года.

(Реестр протокола рассылки № 10 от «22» 12 2020 года)



 **Н.А.Бобокулов**
Председателя Научного совета по присуждению
учёной степени, д.с.х.н., профессор

 **Б.С.Маматов**
Ученый секретарь Научного совета по
присуждению учёной степени, д.ф.с.х.н (PhD)

 **Д.Холмирзаев**
Зам. председатель Научного семинара при
Научном совете по присуждению учёной
степени, д.с.х.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора (PhD) философии)

Актуальность и востребованность темы диссертации. Каракульские овцы разводятся в более чем 40 странах мира. Среди этих стран ведущими считаются Узбекистан, Афганистан, Южно-Африканская Республика, Намибия. В мире проводятся по совершенствованию методов разведения, размножения, наследственных и продуктивных особенностей каракульских овец. При этом возникает проблема в крупных животноводческих центрах проведение исследований по изучению хозяйственно-полезных признаков, биологических, продуктивных особенностей и особенностей разведения каракульских овец, используя их наследственный потенциал разработка и совершенствование научно обоснованных методов повышения мясной и шерстной продуктивности животных.

Среди стран СНГ каракульские овцы разводятся в таких странах как, Казахстан, Туркмения, Россия, Украина, Молдова, Таджикистан в которых создан ценнейший генофонд каракульской породы овец различных окрасок, расцветок и завитковых типов. В Казахстане, Туркменистане и Таджикистане в результате проведенных организационных, селекционных и научно-исследовательских работ достигнуты существенные успехи. В Казахстане создано более 15, в Туркмении 5 и в Таджикистане 3 высокопродуктивных заводских типов каракульских овец. Вместе с этим этих овец разводят в России, Украине и Молдавии, которые характеризуются своеобразными особенностями.

